**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛОНОВ ХАЙРУЛЛА АЛЛАМУРОТОВИЧ

ПИРОЛИЗ ҚУРИЛМАЛАРИ АСОСИДА ГЕЛИОИССИҚХОНАЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ИСИТИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК 662.997 ÷ 621.311

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Content of the dissertation abstract of philosophy of doctor (PhD) on the technical sciences

Давлонов Хайрулла Алламуротович
Пиролиз қурилмалари асосида гелиоиссиқхоналарнинг энергия самарадор иситиш тизимини ишлаб чиқиш .....……..... 3

Давлонов Хайрулла Алламуротович
Разработка энергоэффективной системы отопления гелиотеплиц на основе пиролизных установок ……..…… 25

Davlonov Khayrulla Allamurotovich
Development of an energyefficient solar heating system for greenhouses based on pyrolysis plants ……..…….. 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….…….…….…….…….. 51

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛОНОВ ХАЙРУЛЛА АЛЛАМУРОТОВИЧ

ПИРОЛИЗ ҚУРИЛМАЛАРИ АСОСИДА ГЕЛИОИССИҚХОНАЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ИСИТИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/T606 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Узоқов Ғулом Норбоевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахмонов Абдужаббор**
техника фанлари доктори, профессор

Авезов Раббоноқул Рахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «9» 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2б уй. Тел/факс.: (99871) 235-42-91; e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№248 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2б уй. Физика-техника институти. Тел/факс: (+99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «20» 12 куни тарқатилди.

(2019 йил «20» 12 даги № 11 рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Авезова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д. етакчи илмий ходим

А.Г. Комилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия истеъмолининг учдан бир қисми қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ишлатилади. Жумладан, ҳимояланган тупроқ иншоотларида истеъмол қилинадиган иссиқлик энергиясининг 20 фоизи сарф қилинади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасида етакчи ҳисобланган Голландия ва Германия давлатларида ҳам соҳа эҳтиёжи учун истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг 20-35 фоизи иссиқхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги вақтда иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг таннархи таркибида солиштирма энергия харажатлари 60-70 фоизни ташкил этади[1].

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхона хўжаликларида 1 кг сабзавотни етиштириш учун камида 6-10 кг шартли ёқилғи сарф қилинади. Шунинг учун Республикамизда иссиқхона комплексларида энергия самарадорликни ошириш, энергия сиғимини камайтириш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Юқорида кўрсатилган устувор вазифаларни амалга ошириш учун Ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган. Жумладан, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси»да қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларда энергия сарфини камайтириш ва самарали энергия тежаш тизимларини жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган[2]. Иссиқхоналарнинг иситиш тизимларида қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан биомасса ва қуёш энергиясидан самарали фойдаланган ҳолда замонавий энергия самарадор ва ресурс тежамкор технологиялар асосидаги иссиқхона комплексларини яратиш долзарб илмий-техник вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сон «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва амалиётга жорий этиш каби вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Опыт использования солнечной энергии в сельском хозяйстве. http: // www.mensh.ru.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик ва қайта тикланувчи энергия манбалари» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иссиқхоналарнинг иситиш тизимида энергия самарадор усулларни ишлаб чиқиш бўйича сўнги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан далолат беради. Жумладан, иссиқхоналарнинг иситиш тизимининг энергетик самарадорлигини оширишга қаратилган, энергия ва ресурс тежамкор режимларини жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий-техник марказлари Shandong Ruixu Agricultural Science and Technology Co., Ltd., Qingzhou Rainbow Modern Agriculture Development Co., Ltd. (Хитой), Эко-культура (Россия), NatureSweet Tomatoes (АҚШ), Venlo Projecten Holding B.V. (Голландия), Dal Holding Investment Co., Ltd. (Туркия), Москва энергетика институти (Россия), Беларусь миллий Фанлар академияси Энергетика институти, Беларусь миллий техника университети (Беларусь Республикаси) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБ (Ўзбекистон) да кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш асосида иссиқхоналарнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Бридгватер А.В., Мохан Д., Питтман Ч. У., Стеэле П.Ҳ., Пракаш Н., Карунанитҳи Т., Кравченко Г.М., Мазаев Л.Р[3]., Кравченко Ю.Г., Байрамов Р.Б., Рыбакова Л.Е., Пенджиев А.М[4]. ва бошқалари томонидан олиб борилган. Ушбу соҳада Захидов Р.А., Авезов Р.Р., Вардияшвили А.Б., Содиқов Т.С., Авезова Н.Р., Хайриддинов Б.Э., Узоқов Ғ.Н., Файзиев Т.А., Ниязов Ш.К., Саидов С.А. ва бошқа ўзбек олимлари томонидан ҳам илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Хусусан ушбу илмий мактабларда иссиқхоналарнинг энергия самарадорлигини оширишда қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш ва аккумуляциялаш усулларини ишлаб чиқиш, иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларини ҳажмий параметрларини ҳисобга олиб моделлаштириш, оптимал ҳарорат-намлик режимларини яратиш бўйича амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, олинган ижобий натижаларга қарамай, иссиқхоналарнинг иситиш тизимида анъанавий ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш мақсадида, қуёш ва биомасса энергиясидан комплекс фойдаланиш ва Республикамиз ҳудудларининг табиий иқлим шароити ҳамда қуёш ва биомасса энергиясининг потенциалини ҳисобга олган ҳолда энергия самарадор иситиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича етарлича тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шунинг учун иссиқхоналарнинг биомасса ва қуёш энергияси асосидаги комбинациялашган

[3] Мазаев Л.Р. Метод расчета и проектирования солнечной теплицы для региона Сибири. Автореф.дисс....канд.техн.наук. – Улан-Удэ. 2011. – 21 с.

[4] Пенджиев А.М. Термический режим в комбинированных культивационных сооружений. // Гелиотехника. – 2018. – № 2. – с.47-58.

автоном иситиш тизимини ишлаб чиқиш орқали иссиқхоналарнинг энергетик самарадорлигини ошириш долзарб илмий-техник масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган ИОТ-2014-3-1 «Маҳаллий органик чиқиндилардан пиролиз усулида муқобил ёқилғи олиш қурилмасини ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014-2015 й.й.) мавзусидаги инновация ва ОТ-Атех-2018-30 «Пиролиз қурилмалари асосида иссиқхоналарнинг автоном иссиқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш» (2018-2020 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиролиз қурилмаларидан фойдаланиб гелиоиссиқхоналарнинг энергия самарадор иситиш тизимини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий биомасса ва органик чиқиндилардан муқобил ёқилғи олиш пиролиз қурилмасини ишлаб чиқиш ва пиролиз жараёнини тадқиқот қилиш;

хом ашё намлиги ва ўлчамларининг пиролиз маҳсулотларини чиқиш миқдори ва жараённинг энергия сарфига таъсирини тадқиқот қилиш;

пиролиз қурилмалари асосида гелиоиссиқхоналарнинг автоном иситиш тизимини ишлаб чиқиш;

пиролиз қурилмали гелиоиссиқхоналарнинг иссиқлик балансини моделлаштириш ва ҳарорат режимини тадқиқот қилиш;

гелиоиссиқхоналарнинг пиролиз қурилмали иситиш тизимини энергетик ва техник-иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти гелиоиссиқхоналарнинг пиролиз қурилмалари (биомасса энергияси) асосидаги иситиш тизимларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети биомассадан муқобил ёқилғи олиш учун пиролиз қурилмалари, иссиқхоналарнинг энергия баланси, ҳарорат режими, пиролиз қурилмали иситиш тизимининг энергетик ва иссиқлик-техник параметрларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида математик моделлаштириш, иссиқлик техникасининг назарий асослари, иссиқлик-технологик жараёнларни экспериментал тадқиқ қилиш ва натижаларга ишлов беришнинг умумий тан олинган усулларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий биомассадан муқобил ёқилғи олиш учун тутун газининг рециркуляцияси ҳисобига қизийдиган, иссиқлик алмашинувини фаоллаштирадиган қувурсимон реакторли пиролиз қурилмаси ишлаб чиқилган;

биомасса пиролизи маҳсулотларининг чиқиш миқдори жараённинг ҳарорати, юкланадиган хом ашёнинг намлиги ва гранулометрик ўлчамларига боғлиқлиги аниқланган;

пиролиз қурилмали гелиоиссиқхона иситиш тизимининг иссиқлик юкламаси, ҳарорат режими, реактордан утилизация қилинадиган иссиқлик миқдори ва асосий иссиқлик–техник параметрларини аниқлаш имконини берувчи иссиқлик балансининг математик модели ишлаб чиқилган;

бир вақтда гелиоиссиқхонанинг иситиш тизимини иссиқ сув ва ёқилғи билан таъминлайдиган «қувур-қувурда» типдаги комбинациялашган қурилма ишлаб чиқилган;

пиролиз қурилмалари асосида гелиоиссиқхоналар иситиш тизимининг такомиллаштирилган «пиролиз реактори-иситиш қозонли» принципиал иссиқлик схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гелиоиссиқхоналарнинг иситиш тизимини иссиқ сув ва ёқилғи билан таъминлайдиган комбинациялашган қурилма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси фойдали моделга патенти FAP 20180200 «Иссиқхоналарни иситиш учун қурилма», 26.12.2018 йилдан);

гелиоиссиқхонанинг пиролиз қурилмали ва иссиқлик утилизаторли иситиш тизими ишлаб чиқилган ва тизимнинг техник-иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги табиий шароитда, тадқиқот ўтказишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиб, иссиқлик-техникавий эксперимент ўтказиш ва натижаларга ишлов беришнинг умумий тан олинган методларини қўллаш, ишлаб чиқариш тажрибалари натижалари, бир хил шароитдаги ҳисоблаш ва эксперимент натижалари мослигига асосланиб олинган кўп сонли эксперимент натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти пиролиз қурилмаларида кечадиган биомассани термик қайта ишлаш жараёнлари тўғрисида илмий тасаввурларни кенгайтириш, биомасса иссиқлик-физик параметрларининг пиролиз жараёнининг давомийлиги, энергия сарфи ва пиролиз маҳсулотларининг чиқиш миқдорига таъсирини ифодаловчи қонуниятларни ўрганиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анъанавий ёқилғи-энергия ресурслари сарфини ва атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли чиқиндиларни қисқартириш имконини берувчи, биомасса энергиясидан фойдаланишга асосланган иссиқхоналарнинг пиролиз қурилмали иситиш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиролиз қурилмаларидан фойдаланиб гелиоиссиқхоналарнинг энергия самарадор иситиш тизимини ишлаб чиқиш асосида:

бир вақтда гелиоиссиқхонанинг иситиш тизимини иссиқ сув ва ёқилғи билан таъминлайдиган «қувур-қувурда» типдаги комбинациялашган қурилма ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Иссиқхоналарни иситиш учун қурилма», № FAP 20180200 - 2018 й.). Натижада органик чиқиндиларни пиролиз қилиш орқали қайта ишлаш, иссиқхонани иситиш ва суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

Қашқадарё вилоятининг фермер хўжаликлари иссиқхоналарида пиролиз қурилмали энергия самарадор иситиш тизими жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 02/023-2546-сон маълумотномаси). Натижада 100 м^2 майдонли иссиқхонанинг

иситиш тизимида пиролиз қурилмалари қўлланилиши асосида анъанавий иситиш тизими учун мавсум давомида талаб этиладиган 8100 м^3 табиий газ тежалишига ва энергия ҳаражатлари 38 % га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11та Республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган халқаро (2) ва республика (5) журналларида 7 та илмий мақола нашр этилган, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг олинган натижаларини ишончлилиги асосланган, ишнинг апробация натижалари, чоп қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Қуёш иссиқхоналари иситиш тизимларининг замонавий ҳолати таҳлили»** бобида қуёш иссиқхоналарининг иситиш тизимлари ва уларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ва чоп қилинган илмий мақолаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Республикамизда маҳаллий биомассани пиролиз қилиш жараёнлари кам ўрганилган. Айниқса, маҳаллий биомассани термик қайта ишлаш орқали муқобил ёқилғи олиш ва ундан иссиқхоналарни иситиш тизимида фойдаланиш долзарб илмий-техник муаммо бўлишига қарамасдан ушбу соҳада илмий ва амалий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Илмий манбалар[5] ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, биомассадан пиролиз усулида муқобил ёқилғилар олиш ва ундан иссиқхоналарнинг иситиш тизимида фойдаланиш энергетик ва экологик жиҳатдан самарали йўналиш ҳисобланади.

---

[5] Гелетуха Г.Г., Железная Т.А.Обзор современных технологий получения жидкого топлива из биомассы быстрым пиролизом.Часть. 1// Экотехнологии и ресурсосбережение. №2, 2000, Киев. – С 3-10. 2. Кожухов В.А., Михеева Н.Б., Семенов А.Ф. Повышение эффективности энергообеспечения теплицы // Вестник КрасГАУ. 2009. №6. 127-132 с. 3. Биоэнергетические установки ООО «Сиприс».//www.msx-consult.ru.

Иссиқхоналарда қуёш ва биомасса энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва энергия тежаш соҳасидаги тадқиқотлар даражасини кенгайтириш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган илмий таҳлил асосида диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **«Пиролиз қурилмасида иссиқхоналар учун муқобил ёқилғи олиш жараёнини тадқиқот қилиш»** деб номланган иккинчи бобида биомассадан ёқилғи олиш пиролиз қурилмаси ишлаб чиқилган ва турли маҳаллий биомассадан пиролиз усулида муқобил ёқилғи олиш жараёни тадқиқот қилинган.

Ишлаб чиқилган тажриба пиролиз қурилмаси қувурсимон реактор, конденсатор-совутгич, газгольдер, газни тозалаш тизими, тутун қувури ва қувурлар тизимидан ташкил топган (1-расм).



1-реактор; 2-хом ашёни юклаш учун қопқоқ; 3-клапан; 4-тутун қувури; 5-газ сарфини ўлчаш асбоби; 6-буғ-газ аралашмасининг қувури; 7-конденсатор; 8-сепаратор; 9-сарф ўлчаш асбоби; 10-инжектор; 11-ёқиш камераси; 12-терможуфтлар; 13-потенциометр КСП-4; 14-газгольдер.

1-расм. Тажриба пиролиз қурилмасининг схемаси.

Ишлаб чиқилган пиролиз реакторининг диаметри 0,8 м, баландлиги 1,0 м ва ҳажми 0,5 м^3 га тенг бўлиб, зичлиги 200 кг/м^3 ва намлиги 20-30 % бўлган 100 кг биомассани пиролиз қилиш имконини беради. Тажриба пиролиз қурилмаси қувурсимон реактор, қувурлар тизими билан уланган конденсатор совутиш тизими, тутун қувури ва олинган маҳсулотлар таркибини тозаловчи тизимдан иборат. Қурилмада реакторнинг ҳарорат режими пиролиз жараёнида олинган газсимон ёқилғи ҳисобидан таъминланади. Таклиф этилган пиролиз қурилмасининг бошқа маълум қурилмалардан асосий фарқи, реактор «қувур-қувурда» шаклида ясалган бўлиб, қувурлар оралиғига сув солинган ва реакторнинг ташқи сиртидан атрофга муқаррар йўқотиладиган иссиқлик энергиясини утилизация қилиш ва натижада қўшимча иссиқ сув олиш имконини беради. Реактордан чиқадиган тутун газлари қувури кўп каналли тайёрланган ва чиқишда битта умумий коллекторга бирлаштирилган бўлиб, юкланган биомассани интенсив қиздириш учун тутун газларини рециркуляция қилиш имконини беради. Мазкур реакторнинг конструкцияси пиролиз жараёнида реакторнинг барча ҳажми бўйича бир хил ҳарорат майдонини ҳосил қилади, натижада реакторда барқарор ва текис ҳарорат режимини ҳосил қилиш имконияти яратилади. Реакторда яратилган текис тақсимланган ҳарорат майдони пиролиз жараёнининг интенсивлигига ижобий таъсир қилади. Тажриба пиролиз қурилмасининг (ПҚ-100) умумий кўриниши 2-расмда келтирилган.

2-расм.Тажрибавий пиролиз қурилмасининг умумий кўриниши. (Қарши шаҳри)

Иссиқхоналарнинг иситиш тизимини муқобил ёқилғи билан таъминлаш учун турли хил маҳаллий биомасса (терак қириндиси, мол экскременти ва ғўзапоя чиқиндиси) пиролизи тадқиқот қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳажми 0,5 м^3 бўлган биореактор суткасига 100-120 м^3 гача биогаз олиш имконини беради, шундан 20-30 % олинган газ пиролиз қурилмасининг хусусий эҳтиёжи, яъни реакторнинг иссиқлик режимини ўрнатиш учун сарф қилиниши асосланди.

Тадқиқот натижаларига кўра юкланган 100 кг биомасса (терак қириндиси) пиролизи натижасида 50 % ёғоч кўмири, 20 % суюқ ва 30 % газсимон ёқилғи олишига эришилди (1-жадвал). Турли биомассаларнинг (терак қириндиси, мол экскременти ва ғўзапоя чиқиндиси) пиролизи натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, пиролиз маҳсулотларининг чиқиш миқдори жараён кечадиган ҳарорат, қиздириш тезлиги, юкланган хом ашёнинг ва жараён содир бўладиган муҳитнинг иссиқлик-физик хоссаларига бевосита боғлиқ бўлади. Дарахт ва ўсимлик биомассасининг пиролизи жараёни 170÷350 ˚С ҳарорат оралиғида интенсив бўлиб, органик моддаларнинг термик парчаланиши суръати юқори бўлиши тажрибада аниқланди.

1-жадвал

Пиролиз қурилмасида турли хил органик чиқиндилардан муқобил ёқилғи олиш учун ўтказилган тажриба натижалари

№	Хом ашё тури	Юкланган хом ашё массаси (кг)	Биореакторнинг ишчи ҳарорати ºС	Тажрибанинг бошланиш вақти	Тажрибанинг тугаш вақти	Олинган маҳсулотлар		
						Суюқ (кг)	Газ (кг)	Кўмир (кг)
1	Терак қириндиси	100	350÷375	10 – 00	13-00	20	30	50
2	Мол экскременти	100	350÷375	10 – 00	13-00	15	50	35
3	Ғўзапоя чиқиндиси	100	350÷375	10 – 00	13-00	25	40	35

Реакторда пиролиз жараёнида ҳосил бўладиган суюқ ва газсимон маҳсулотларнинг чиқиш миқдорининг ҳароратга боғлиқлик графиги 3-расмда келтирилган.



3-расм. Суюқ ва газсимон пиролиз маҳсулотлари чиқиш миқдорининг пиролиз жараёнининг ҳароратига боғлиқлик графиги

3-расмда келтирилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўсимлик биомассасининг пиролизи жараёнида чиқадиган суюқ ва газсимон ёқилғиларнинг миқдорининг пиролиз жараёни ҳарорати ошиши билан ортиб бориши аниқланди.

Пиролиз бўйича лаборатория шароитида тезкор тажриба тадқиқотларини олиб бориш мақсадида электр қиздиргичли лаборатория қурилмаси яратилди (4-расм). Қурилма пиролиз реактори, конденсатор-совутгич, газгольдер ва суюқ пиролиз маҳсулотини йиғадиган идишдан (бак) иборат. Қурилма лаборатория шароитида турли биомассани пиролизи тадқиқотларини тезкор ўтказиш имконини беради.



1-реактор; 2-электрқиздиргич; 3-термопара; 4-потенциометр КСП-4; 5-термометр; 6-юклаш қопқоғи; 7-буғ-газ қувури; 8- сарф ўлчаш асбоби; 9-конденсатор-совутгич; 10-суюқ ёқилғи баки; 11-газ сарфини ўлчаш асбоби; 12-газгольдер; 13-вольтметр; 14-амперметр; 15,16-манометр.

4-расм. Биомасса пиролизини тадқиқот қилиш учун лаборатория қурилмасининг схемаси

Биомассани лаборатория шароитида 2019 йилнинг ноябрь ойида пиролиз бўйича тажрибалар қуйидаги методика бўйича олиб борилди. Тажриба бошланишидан аввал бошланғич намлиги 10, 15 ва 25% ва ўлчами 5-10; 10-25; 25-40; 40-80 мм бўлган биомасса (майдаланган терак дарахти массаси) намуналари тайёрланди. Юкланадиган биомассанинг массаси электрон тарози,

намлиги эса рақамли универсал AR971 русумли намлик ўлчаш асбоби ёрдамида ±2% аниқликда ўлчаб олинди. Хом ашё реакторга юкланди ва жараённинг ҳарорат режимини ҳосил қилиш учун электр қиздиргич ишга туширилди. Реакторнинг ички қисмида юкланган биомассани қиздириш натижасида ҳосил бўлган буғ-газли аралашма реактордан чиқиб сувли конденсатор-совутгичда совутилади ва конденсацияланади. Конденсацияланган суюқ смола конденсатордан идишда йиғилади. Конденсацияланмаган газ газгольдерга йўналтирилади. Ҳосил бўлган суюқ пиролиз маҳсулотининг массаси электрон тарози, газларнинг миқдори газ ўлчагич орқали ўлчаб борилди.

Қувурсимон реакторнинг баландлиги бўйича характерли нуқталардаги ҳароратлар ХК типдаги терможуфтлар ва автоматик равишда КСП-4 русумли потенциометр ёрдамида қайд қилиб борилди. Биореакторнинг ҳарорат режими ЛАТР – лаборатория автотрансформатори ёрдамида бошқарилди. Реакторга юкланадиган хом ашёнинг намлигини пиролиз жараёнида чиқадиган суюқ маҳсулотлар миқдорига таъсири тажрибада тадқиқот қилинди. 2019 йилнинг ноябрь ойида олиб борилган тадқиқот ва ўлчаш натижалари 5-расмда келтирилган. 5-расмдаги график маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, биомасса пиролизида чиқадиган суюқ маҳсулотлар миқдори хом ашёнинг намлигига боғлиқ бўлади ва жараён ҳарорати ўзгариши билан чизиқли ўзгаради. Юкланган хом ашёнинг намлиги 10 % дан 25 % га ўзгартирилганда, пиролиз жараёнининг ҳарорати 500 ºС га етганда чиқадиган суюқ маҳсулот миқдори 1,86 мартагача ошиши аниқланди.



5-расм. Суюқ пиролиз маҳсулотлари чиқишининг биомасса намлиги ва жараён ҳароратига боғлиқлик графиги

Реакторга юкланган хом ашёнинг намлиги ва ўлчамларининг унда кечадиган пиролиз жараёни учун сарфланадиган энергия миқдорига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари қуйидаги графикларда тасвирланди (6-расм).

Шундай қилиб, қуёш иссиқхоналарини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида биомасса пиролизи бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси биомасса пиролизи учун сарфланадиган энергия миқдори ва жараён давомийлиги хом ашёнинг ўлчами 30 ÷ 45 мм фракциягача камайиб бориши тажрибада аниқланди. Юкланадиган хом ашёнинг ўлчамлари 45 мм дан ортиши

билан жараён учун энергия сарфи ва жараён давомийлиги ортиб боради, натижада пиролиз жараёнини амалга ошириш учун энг кам энергия сарфига мос келадиган биомассанинг оптимал катталик ўлчамини аниқлаш имконини беради.



1-намлик 10%; 2- намлик 15%; 3-намлик 25%.

6-расм. Биомасса пиролизи учун сарфланадиган энергия миқдорига хом ашё намлиги ва ўлчамларининг таъсири графиги

Тажрибалар натижасида минимал энергия сарфи билан биомассани самарали пиролиз қилишни таъминлайдиган хом ашёнинг оптимал геометрик ўлчами 35-45 мм эканлиги асосланди. Тажрибаларда олинган натижалар пиролиз қурилмаларининг технологик ва энергетик параметрларини оптималлаштириш ва муқобил ёқилғи олиш учун биомасса пиролизининг энергетик самарали режимларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Реакторда биомассани термик усулда қайта ишлашда маълум миқдорда иссиқлик энергияси талаб қилинади. Бу иссиқлик реактор ҳарорат режимини ўрнатиш ва сақлаш учун сарф бўлади. Биомассани термик қайта ишлаш жараёнининг энергия сиғимини аниқлаш учун реакторнинг иссиқлик баланси тадқиқот қилинди.

Биореакторга киритилган (берилган) тўлиқ иссиқлик, реакторда ишлатилган фойдали иссиқлик ва иссиқлик йўқотишлар миқдори реакторнинг иссиқлик баланси тенгламаси орқали ифодаланади. Қувурсимон биореактор учун иссиқлик баланси тенгламасининг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$q_{кир} = q_{сарф}, кЖ/кг \qquad (1)$$

бунда, $q_{кир}$ - реакторга киритилган иссиқлик, кЖ/кг; $q_{сарф}$ - реакторда сарфланган иссиқлик, кЖ/кг;

Биореакторнинг иссиқлик баланси тенгламаси 1 кг ёқилғи учун қуйидагича бўлади:

$$q_{сарф} = q_{фой} + q_{т.г} + q_{й.а.м.} + q_{й.х.} + q_{й.м.} + q_{й.ш.} \qquad (2)$$

бунда, $q_{фой}$, $q_{т.г}$, $q_{й.а.м.}$ – мос равишда реакторда хом ашё билан фойдали ишлатилган иссиқлик, тутун газлари билан йўқотиладиган иссиқлик, атроф-

муҳитга йўқотиладиган иссиқлик; $q_{й.х.}$ - ёқилғининг химиявий чала ёниши туфайли йўқотиладиган иссиқлик; $q_{й.м.}$ - ёқилғининг механик чала ёниши туфайли йўқотиладиган иссиқлик; $q_{й.ш.}$ - ёқилғининг шлаки орқали йўқотиладиган иссиқлик, кЖ/кг.

Агар газсимон (ёки суюқ) ёқилғи ёнишида кул ажралмаслигини ҳисобга олсак, у ҳолда

$$q_{й.м.} = 0;\ q_{й.ш.} = 0;$$

Реакторга берилган иссиқлик:

$$q_{кир} = Q_р^н + c_{ёк} \cdot t_{ёк} + \alpha \cdot \alpha_0 \cdot c_х \cdot t_х + c_б \cdot m_б \cdot t_б \qquad (3)$$

ёки

$$q_{кир} = Q_р^н + q_{ёк} + q_х + q_б; \qquad (4)$$

бунда, $Q_р^н$ - ёқилғининг қуйи ёниш иссиқлиги, кЖ/кг.

Қувурсимон биореакторнинг Ф.И.Ки:

$$\eta = \frac{q_{фой}}{Q_р^н}, \qquad (5)$$

Ҳисоблаш натижаларига кўра $q_{фой} = 17000$ кЖ/кг, $Q_р^н$ = 20000 кЖ/кг бўлганда ва иссиқлик йўқотишларни ҳисобга олсак, биореакторнинг Ф.И.Ки қуйидагига тенг бўлди: η =0,85 (85%).

Биореакторда иссиқлик оқимларнинг диаграммаси 7-расмда келтирилди.



7-расм. Биореакторнинг иссиқлик баланси схемаси.

Пиролиз қурилмаси реакторининг энергетик самарадорлигини ва ҳақиқий энергия йўқотишларини баҳолаш учун биореакторнинг эксергетик баланси тенгламасини тузамиз. Яъни:

$$E_{ёк} + E_{хаво} = E_{буг} + \Delta E_{ём} + \Delta E_{ам} + \Delta E_{ён} \qquad 6)$$

бунда, $E_{ёк}$ - ёқилғининг эксергияси, кЖ/кг.

Ҳисоблаш натижаларига кўра $E_{ёк} = 20800$ кЖ/кг, $E_{буг} = 11800$ кЖ/кг бўлганда биореакторнинг эксергетик Ф.И.Ки реакторда ҳосил қилинган буғ эксергиясининг ёқилғи эксергиясига нисбатига тенг бўлади. Яъни:

$$\eta = \frac{E_{буг}}{E_{ёк}} = 0{,}57 \quad (57\%).$$

Биореакторнинг эксергетик диаграммаси 8- расмда келтирилди.



8-расм. Биореакторнинг эксергетик диаграммаси.

Олиб борилган ҳисоблар натижаси шуни кўрсатадики, қувурсимон биореакторнинг энергия баланси асосида аниқланган Ф.И.Ки 85 % тенг бўлиб, реакторнинг эксергетик Ф.И.Ки эса 57% дан ошмайди. Демак, қурилманинг эксергетик ҳисоби ишончли натижа беради деб хулоса қилиш мумкин. Пиролиз реакторининг эксергетик анализи қурилмада ҳақиқий энергия исрофларини баҳолаш ва унда иссиқхонанинг иситиш тизимида фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг **«Пиролиз қурилмалари асосида қуёш иссиқхоналарининг автоном иситиш тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш»** деб номланган учинчи бобида пиролиз қурилмалари асосида қуёш иссиқхоналари иситиш тизимининг принципиал иссиқлик схемалари ишлаб чиқилган, иситиш тизимининг иссиқлик техник параметрлари асосланган ва пиролиз қурилмали қуёш иссиқхоналарининг иссиқлик баланси ҳамда иссиқлик режими тадқиқот қилинган.

Олиб борилган тадқиқотларда иссиқхоналарнинг энергия баланси ва иситиш тизимида энергия ресурслари сарфи таҳлил қилинган, ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан, хусусан қуёш ва биомасса энергиясидан биргаликда фойдаланиш усули таклиф этилган ва энергетик самарадорлиги асосланган.

Таклиф этилган пиролиз қурилмали ва иссиқлик энергияси утилизатори асосидаги иситиш тизимининг принципиал схемаси 9-расмда келтирилган. Фойдали майдони 100 м^2 бўлган тажриба қуёш иссиқхонаси учун ишлаб чиқилган қуёш ва биомасса энергиясидан фойдаланиладиган комбинациялашган иситиш тизими реактор (иссиқлик генератори), конденсатор-совутгич, сепаратор, газгольдер, иситиш батареялари ва иссиқлик энергиясининг утилизаторидан ташкил топган.

Пиролиз реактори бир вақтда иккита функцияни бажаради: биринчидан биореактор сифатида юкланган биомассани термик қайта ишлаш орқали ёқилғи олиш, иккинчидан иссиқлик генератори–сув иситиш қозони сифатида иситиш тизимини иссиқ сув билан таъминлаш амалга оширилади.



1.Биореактор-иссиқлик генератор. 2. Конденсатор-совутгич. 3. Сепаратор. 4.Газгольдер. 5. Иситиш батареяси.6. Иссиқхона. 7. Сувли аккумулятор.

9-расм. Иссиқхонанинг пиролиз қурилмали ва иссиқлик утилизаторли иситиш тизимининг принципиал иссиқлик схемаси.

Пиролиз реактори «қувур-қувурда» типда цилиндр шаклида бўлиб, ички қувурда 350-500 ºС ҳароратда биомасса пиролизи содир қилинади, ташқи қувурда атроф-муҳитга йўқотиладиган иссиқликни утилизация қилиш орқали иситиш тизими учун сув 50-70 ºС гача қиздирилади. Бундан ташқари пиролиз қурилмасининг конденсатор қисмида буғ-газ аралашмасининг конденсацияланишида ажраладиган иссиқлик (иссиқ сув) иссиқхонани иситиш учун утилизация қилинади. Шундай қилиб, таклиф этилган иситиш тизимида пиролиз реактори ва конденсаторида ташландиқ иссиқлик энергияси иккиламчи энергия ресурси сифатида, яъни исиган сув орқали утилизация қилиш имконияти яратилади. Ишлаб чиқилган пиролиз қурилмаси иссиқхонани иситиш тизимини иссиқ сув билан таъминлайди, биомассадан муқобил ёқилғилар олиш ва конденсаторда конденсацияланиш иссиқлигини иккиламчи энергия ресурси сифатида иссиқхонани иситиш учун утилизация қилиш имконини беради.

Иссиқхонанинг пиролиз қурилмали ва иситиш утилизаторли иситиш тизими учта контурдан иборат. Биринчи контур-пиролиз, иккинчи контур-иссиқхонани сувли иситиш, учинчи контур-пиролиз кондесаторининг ташландиқ иссиқлигини утилизация қилишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқилган иситиш тизимининг энергетик самарадорлигини баҳолаш учун пиролиз иситиш қурилмали ва иссиқлик утилизаторли қуёш иссиқхонасининг иссиқлик баланси тадқиқот қилинди. Бунда иссиқхонани иситиш, вентиляция, ҳавони намлантириш, иссиқликни утилизация қилиш, аккумуляциялаш қурилмалари ва деворларининг иссиқлик-техник параметрлари билан биргаликда яхлит энергетик тизим сифатида қараймиз.

Пиролиз иситиш қурилмали ва иссиқлик утилизаторли қуёш иссиқхонасининг энергия баланси ҳисоб схемаси 10-расмда келтирилган. Ҳисоб схемасига асосан иссиқхонанинг энергия балансини ифодаловчи тенгламалар тизими, яъни иссиқлик балансининг математик модели ишлаб чиқилди.

Иссиқхонанинг иссиқлик балансини моделлаштириш ва ҳисоблаш иситиш тизимининг талаб этиладиган иссиқлик юкламаси, ҳарорат режими ва бошқа иссиқлик–техник параметрларини аниқлаш имконини беради.



1-тупроқ; 2-девор; 3-иситиш батареяси; 4-грунт; 5-иссиқлик энергияси утилизатори – иссиқлик аккумулятори; 6- вентиляция туйнуги; 7-ўсимлик.

10-расм. Пиролиз иситиш қурилмали ва иссиқлик утилизаторли қуёш иссиқхонасининг энергия баланси схемаси.

Қуёш иссиқхонасининг иссиқлик балансини моделлаштириш зарурати шундан иборатки, таклиф этилаётган математик модел маълум моделларга нисбатан қўшимча равишда ҳавони намлантириш тизимидан сув орқали кирадиган иссиқлик, утилизация тизимидан киритиладиган иссиқлик энергияси, плёнка қопламасининг ички сиртида конденсацияланиш иссиқлиги ва жисмлар ўртасидаги нурий иссиқлик алмашинувини ҳисобга олади.

Иссиқхонанинг иссиқлик балансини математик моделлаштиришда қуйидаги чекланишлар қабул қилинган:

- ташқаридаги ва иссиқхона ичкарисидаги ҳавонинг ҳарорати вақт давомида ўзгармайди, яъни иссиқхона ичида ва ташқарисида иссиқлик ва масса алмашинуви жараёни барқарор (стационар) шароитда содир бўлади;
- шаффоф қопламанинг термик қаршилиги ҳисобга олинмайди;
- иссиқхона девори, тупроғи, ҳавосининг ҳароратларининг ўртача қийматлари қабул қилинади;
- масса алмашинуви жараёнлари иссиқхонанинг фақат ишчи ҳажмида содир бўлади;
- иссиқхонани юпқа шаффоф қобиқ билан чегаралланган ва бир жинсли газ билан тўлдирилган фазо шаклида қабул қилинди.

Иссиқхонанинг иссиқлик баланси тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$Q_{ис.т.}+Q_{рад}+Q_{иэ.ут}=Q_{дев}+Q_{вен}+Q_{инф}+Q_{туп}+Q_{гр}+Q_{ўс}-Q_{конд}-Q_{нам}-Q_{ў.н.о.}-Q_{эк} \quad (7)$$

бунда, $Q_{ис.т}$ –иситиш тизимининг иссиқлик қуввати, Вт; $Q_{рад}$ –иссиқхонага кирадиган қуёш нурланиш энергияси (қуёш радиацияси), Вт; $Q_{иэ.ут.}$ –иссиқлик энергиясини утилизация қилиш тизимидан олинадиган иссиқлик, Вт; $Q_{дев}$ –иссиқхона девори орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{вен}$ –вентиляция ҳавоси орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{инф}$ –инфильтрация жараёни

орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{туп}$ – тупроқ билан иссиқлик алмашинувида бериладиган иссиқлик, Вт; $Q_{грунт}$ – грунт орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{ўсим}$ – ўсимликлар билан иссиқлик алмашинувидаги иссиқлик, Вт; $Q_{конд}$ – иссиқхона шаффоф қопламасининг ички сиртида сув буғининг конденсацияланишида ажраладиган иссиқлик, Вт; $Q_{нам}$ – ҳавони намлантириш тизимидан сув орқали иссиқхонага кирадиган иссиқлик, Вт; $Q_{ў.н.о.}$ – ўсимликларни нафас олиш иссиқлиги, Вт; $Q_{экс}$ – эксплуатацион иссиқлик, Вт.

Қарши шаҳри иқлим шароитида $F_{фой}$=100 м^2 майдонли икки қатлам плёнка қопламали гелиоиссиқхона иссиқлик балансининг ҳисоби натижаларига кўра $Q_{дев}$= 16,4 кВт, $Q_{вен}$=1,2 кВт, $Q_{инф}$ =3,2 кВт, $Q_{туп}$=0,42 кВт, $Q_{ўсим}$=1,33 кВт ни ташкил қилди.

Фойдали майдони 100 м^2 бўлган қуёш иссиқхонасининг иссиқлик баланси ва ҳарорат режими Қарши шаҳрининг табиий – иқлим шароитида тадқиқот қилинди ва натижалар 11 ва 12-расмларда график шаклида келтирилди.



1-иссиқхонага кирадиган йиғинди қуёш радиацияси ($Q_{пр}$) ; 2-иссиқхонадан йўқотиладиган йиғинди иссиқлик($Q_{тп}$); 3-тупроқда ютиладиган қуёш энергияси($Q_{поч}$); 4-иссиқлик утилизаторидан иссиқхонага бериладиган иссиқлик.

11-расм. Гелиоиссиқхонада иссиқлик оқимларининг ўзгариш динамикаси.

